| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | **“Ўзбектелеком” Акциадорлик Компанияси** |
| | Қисқартирилган: | **“Ўзбектелеком” АК** |
| | Биржа тикерининг номи: | **UTAK** |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | 100000: Тошкент шахар А. Темур кўчаси 97А. |
| | Почта манзили: | 100011: Тошкент шахар А. Навои кўчаси 28А. |
| | Электрон почта манзили: | info@uztelecom.uz |
| | Расмий веб-сайти: | www.uztelecom.uz |
| 3. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | **06** |
| | Муҳим фактнинг номи: | **Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар** |
| | Умумий йиғилиш тури: | йиллик |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 13.03.2017 |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 18.03.2017 |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | 100011: Тошкент шахар А. Навоий кўчаси 28А. |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 99.95 |

| **№** | **Овоз беришга қўйилган масалалар** | **Овоз бериш якунлари** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **ёқлаш** | | **қарши** | | **бетарафлар** | |
| | | **%** | **сони** | **%** | **сони** | **%** | **сони** |
| 1 | “Ўзбектелеком” АК акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида. | 100 | 45 633 433 | - | - | - | - |
| 2 | “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш тўғрисида. | 100 | 45 633 433 | - | - | - | - |
| 3 | “Ўзбектелеком” АК Бош директорини тайинлаш тўғрисида. | 100 | 45 633 433 | - | - | - | - |
| 4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида. | 99.95 | 45 614 077 | 0.05 | 19 356 | - | - |
| 5 | “Ўзбектелеком” АК ва АТ “Алоқабанк” ўртасида умумий қиймати 300,0 млрд. сўм миқдоридаги кредит шартномасини расмийлаштириш тўғрисида. | 100 | 45 633 433 | - | - | - | - |
| 6 | АТ “Алоқабанк” томонидан ажратиладиган кредит маблағлари учун Кредит келишуви доирасида “Ўзбектелеком” АКга тегишли бўлган республикада жойлашган бино-иншоотларни гаров сифатида тақдим этиш тўғрисида. | 100 | 45 633 433 | - | - | - | - |
| 7 | “Ўзбектелеком” АК “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Ижроия органи тўғрисида” ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида. | 100 | 45 633 433 | - | - | - | - |

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:

| | |
|---|---|
| 1 | “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:<br>1. Асосий маърузалар -10 дақиқагача.<br>2. Савол – жавоблар -5 дақиқагача.<br>3. Муҳокамалар -3 дақиқагача. |
| 2 | 1. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши аъзоси Мирзахидов Хуршид Мирсабирович ваколати 2017 йил 13 мартдан тугатилсин.<br>2. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши аъзолигига Шерматов Шерзод Хотамович сайлансин. |
| 3 | 1. Кадиров Шухрат Мунавварович “Ўзбектелеком” АК Бош директори лавозимига тайинлансин.<br>2. “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгаши раиси Компания Бош директори билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномасини тузсин. |
| 4 | 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сон қарори билан “Ўзбектелеком” АКнинг устав фондидаги давлат улушидан ташқари бошқа акциядорларга тегишли бўлган оддий акцияларини имтиёзли акцияларга айирбошлашга рухсат берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.<br>2. Компания устав фондидаги давлат улушига тегишли бўлмаган оддий акциялар эгалари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда Компания томонидан акцияларни қайта сотиб олиш тўғрисида мурожаат қилинмаса, оддий акцияларни имтиёзли акцияларга айирбошлашга рухсат берилсин.<br>3. Компания Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сон қарорининг “Ўзбектелеком” АКдаги ижросини қисқа муддатларда хамда сифатли бажарилишини назоратга олсин. |

| | |
|---|---|
| | 4. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи (Кадиров):<br>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича қонунчилик билан белгиланган тегишли тадбирларни ташкиллаштирсин;<br>- “Ўзбектелеком” АК Устав фондидаги давлат улушидан ташқари оддий акция эгаларининг акцияларини имтиёзли акцияларга айирбошлаш билан боғлиқ ишларни амалга оширсин;<br>- “Ўзбектелеком” АК Устав фондидаги битта овоз берувчи оддий акциянинг жорий бозор қийматини аниқлаш мақсадида ҳолис баҳоловчи ташкилот жалб қилиниши таъминласин ҳамда баҳолаш ишларини қисқа муддатларда ўтказилиши ташкиллаштирсин;<br>- Компаниянинг оддий акция эгалари акцияларни қайтариб сотиб олиш билан мурожаат этса, акцияларнинг жорий бозор қийматида (ҳолис баҳолаш ташкилоти хулосаси асосида) сотиб олинишини таъминласин;<br>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сон қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Компания кузатув кенгаши ҳамда мутасадди давлат идораларига тегишли маълумот тақдим этилишини таъминласин. |
| 5 | 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 февралдига “Мобил алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2126-сон қарори билан белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.<br>2. “Ўзбектелеком” АКга АТ “Алоқабанк”дан 300,0 млрд. сўм кредит маблағларини (шу жумладан синдициялаштирилган кредит ресурсларини) жалб қилишга рухсат берилсин.<br>3. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органига (Кадиров):<br>- АТ “Алоқабанк”дан 300,0 млрд. сўм миқдоридаги кредит шартномасини расмийлаштиришга рухсат берилсин;<br>- жалб қилинаётган кредит суммаси учун Компанияга тегишли бино-иншоотларни кафиллик таъминоти сифатида гаровга қўйилишига ҳамда лозим топилганда бошқа корхоналарнинг кафиллигини тақдим этилишига рухсат берилсин.<br>- жалб қилинаётган кредит маблағлари мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда Кузатув кенгашининг чорак якунлари бўйича мажлисларида кредит маблағларини мақсадли ишлатилиши бўйича ҳисобот бериб бориш топширилсин. |
| 6 | 1. “Ўзбектелеком” АКга АТ “Алоқабанк” томонидан тақдим этилаётган кредит маблағлари учун Компаниянинг бино-иншоотларини ўрнатилган тартибда гаров сифатида тақдим этишга рухсат берилсин.<br>2. Компания Ижроия органи (Кадиров):<br>- кредит маблағларининг кафиллик таъминоти учун Компаниянинг бино-иншоотлари рўйхатини тузиш;<br>- кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган бино-иншоотларнинг ҳолис баҳолаш ташкилоти хулосаси асосида бозор қийматини белгилашни ташкил этиш топширилсин. |
| 7 | 1. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг 2014 йил 11 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши 28-сон баённома қарори билан тасдиқланган “Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.<br>2. “Ўзбектелеком” АК “Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом” 7.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.<br>3. “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом” 7.2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.<br>4. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи тўғрисидаги Низом” 7.3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.<br>5. “Ўзбектелеком” АК Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом” 7.4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |

**Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:**

| Кандидатлар тўғрисида маълумот | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Ф.И.Ш. | Иш жойи | Уларга тегишли акциялар | | |
| | | | сони | тури | |
| 1 | Шерматов Шерзод Хотамович | Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи | - | - | 45 633 433 та овоз |

| | |
|---|---|
| Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни | *Уставга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилмаган.* |

*Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, эмитент олий бошқарув органининг баённомаси тузилган сана ҳисобланади.*

Бош директор: Кадиров Ш.М. ____________________
(имзо, мухр)

Бош бухгалтер в.в.б.: Ахунбаев А.Ш. ____________________
(имзо)

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахс: Тулаганов Я. ____________________
(имзо)